



journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>

## ISSUES OF IMPROVING THE FIGHT AGAINST CORRUPTION IN THE ACTIVITIES OF THE ENFORCEMENT AGENCIES AND FOREIGN EXPERIENCE

*Sultanmurad Samandarovich Iskandarov*

*listener*

*Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

---

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** corruption issues, law enforcement, intolerance, judicial department, information technology, implementation.

**Received:** 06.06.24

**Accepted:** 08.06.24

**Published:** 10.06.24

**Abstract:** This article analyzes the issues of improving the fight against corruption in the activities of the Enforcement Bureau and the experience of the neighboring countries in this regard. A comparative analysis of the best practices of developed countries in preventing corrupt factors in executive work and uncompromising fight against corruption.

## МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

*Султонмурад Самандарович Искандаров*

*тингловчи*

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси  
Тошкент, Ўзбекистон*

---

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** коррупция муаммолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муросасизлик, суд департаменти, ахборот технологиялари, имплементация.

**Аннотация:** Ушбу мақола орқали Мажбурий ижро бюроси органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш масалалари ва бу борада хоридий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинади. Ижро иши юритувидаги коррупцион омилларни олдини олиш ва коррупцияга нисбатан муросасиз курашишда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари қиёсий таҳлил қилинган.

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

**Султанмурад Самандарович Искандаров**

слушатель

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

<b>Ключевые слова:</b>	проблемы коррупции, правоохранительная деятельность, нетерпимость, судебное ведомство, информационные технологии, внедрение.	<b>Аннотация:</b>	В данной статье анализируются вопросы совершенствования борьбы с коррупцией в деятельности Исполнительного бюро и опыта стран-соседей в этом отношении. Сравнительный анализ лучших практик развитых стран по предотвращению коррупционных факторов в исполнительной работе и бескомпромиссной борьбе с коррупцией.
------------------------	--	-------------------	---

### КИРИШ

Коррупция муаммоси сўнги йилларда халқаро миёсда трансмиллий жиноят сифатида халқаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзу ҳисобланади. Ҳатто, айrim сиёsatчилар томонидан коррупцияга глобал инқирозни келтириб чиқарувчи омил сифатида ҳам таъриф берилади. Коррупциянинг халқаро муносабатларга таъсирини ўргангандан тадқиқотчилар эса, ривожланган “**биринчи дунё**” мамлакатлари коррупция ёрдамида ўзларига маъқул келмаган хукуматларни ағдариб ташлаши, ўзларига хайриҳоҳ режим ўрнатиши, амалдаги ҳокимиятга оппозицияни моддий таъминлаш имкониятига эга бўлади деган холосани билдиришган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон олимларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фикрлари, давлатнинг коррупцияга қарши курашиш стратегиясини ривожлантиришда, жамиятнинг кенг доирада қатнашиши ва қўллаб-қувватлаши керак бўлган муҳим масалалардан биридир.

Ижро иши юритувини олиб боришда ва ушбу соҳани такомиллаштиришда ҳар бир давлатнинг ўзига хос ташкилий-хуқуқий шакли, иш юритиш механизми ва услуби мавжуд. Жумладан, Мажбурий ижро бюроси, Суд пристави федерал хизмати, Маршал хизмати, Худудий ва Миллий палата, Агентлик, Департамент ва бошқаларни келтириш мумкин. Хорижий давлатлар тажрибасида давлат ва нодавлат ижрочилар тузилмалари мавжуд бўлиб, Германияда суд қошидаги регистраторлар, Истроилда магистрат суди қошидаги ижрочилар хизмати, АҚШда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қошидаги Маршал хизмати, Франция, Бельгия, Люксембургда Суд ижрочилари бошқармаси каби органлар (тузилмалар)да суд ижрочилари ва ёки маҳсус лицензияга эга бўлган хусусий шахслар (ижрочилар) амалга

оширади. Франция, Нидерландия, Люксембург, Словения, Италия, Польша, Руминия, Словакия, Эстония, Латвия ва Литвада ижро ишини давлат хизматчилари амалга оширмайдилар, балки давлатнинг ваколатли органи (адлия) томонидан берилган лицензия асосида хусусий ижро чилар мустакил амалга оширадилар ва улар ўз фаолиятида ўзини ўзи бошқариш ваколати берилган худудий ва миллий палаталарга бўйсунадилар.

Хусусан, коррупцияга қарши курашувчи ва суд ҳужжатларини ижро этувчи суд департамент органларнинг самарадорлиги бевосита зарур маълумотлардан фойдаланиш имкониятига боғлиқ. Мисол учун, Гонгконг, Сербия, Сингапурда коррупцияга қарши курашиш ва ижро иши фаолиятини амалга оширувчи идораларга банклар ва бошқа молиявий институтларнинг электрон маълумотлар базаларига кириш ҳамда ўз хизмат вазифаларини амалга ошириши учун мансабдор шахсларнинг ҳисобварақлари ва молиявий маблағлари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз олиш хуқуқини берилган.

Бизда ҳам Мажбурий ижро бюроси давлат ижро чиларига “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунинг 43<sup>2</sup>-моддасида Ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибида қўлланиладиган мажбурий ижро этиш чораларини кўриш тартиби белгиланган. Ушбу модданинг 1 қисм 1 бандидан ундирувни қарздор жисмоний шахснинг банклардаги ҳисобварақларида турган пул маблағларига қаратиш мумкинлиги тўғрисидаги ваколат белгиланган.

**Хитойда** ушбу фаолият суд ижро чилари томонидан амалга оширилади, ижро ҳаракатлари Хитой Фуқаролик процессуал кодексининг (3-бўлим. Ижро ишини юритиш (21-боб. 217-231-моддалари) билан тартибга солинади. Россияда Суд пристави федерал хизмати суд ижро чилари-приставлари томонидан амалга оширилади. Қозогистонда эса 2010 йил 2 апрелда “Ижро иши юритуви ва суд ижро чиларининг мақоми тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унинг 131-моддасида “Давлат суд ижро чиларига қўйилган талаблар” ва 140-моддасида “Қозогистон Республикасида хусусий суд ижро чилари” деб номланган маҳсус нормалар берилган. Арманистанда Адлия вазирлигига қарашли Мажбурий ижро хизмати ташкил этилиб, суд ижро чилари томонидан ижро ҳаракатлари олиб борилади.

Хитойда коррупция ҳолатлари ҳақида аноним равища хабар бериши мумкин бўлган **расмий мобил илова** мавжуд. Хитой Ҳалқ Республикасида коррупция жиноятини содир этган мансабдор шахсларга қандай оғир жазоларга хукм қилиниши ҳаммамизга аён.

АҚШда коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг муҳим йўналиши давлат хизмати тизимида коррупциянинг олдини олишdir.

АҚШ хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қошидаги Маршал хизмати суд қарорларини ижро этувчи маҳсус ваколатли орган саналиб, унинг ҳар бир ҳодими ижро иши юритувида коррупция билан тўқнаш келган вақтда АҚШнинг уюшган жиноятчилик ва коррупцияга

қарши кураш департаментига тезкорлик билан маълумот беради. АҚШнинг коррупцияга қарши олиб борган сиёсати туфайли бугунги кунда “Транспаренсий Интернатионал Сорруптион Персептионс Индех (СПИ)” рейтингида 69 балл билан 180 мамлакат ичидаги 24 ўринни қайд этиб турибди. Маълумот учун 2023 йил якунлари бўйича ушбу рейтингда Ўзбекистон **180 мамлакат** ичидаги **121 ўринни** эгаллаганди.

**Японияда** Мажбурий ижро этувчи орган иккига бўлинади. Уларнинг фаолияти ва ваколати доираси ижро иши қаратилган мулкка қараб фарқ қиласади.

- 1) *Ижро суди - асосан қўчмас мулк ва қарзлар бўйича ижрони амалга оширади.*
- 2) *Суд ижрочилари (туман судларидағи давлат хизматчилари) - асосан қўчар мулк бўйича ижрони амалга оширади.*

Давогарнинг хуқуқини аниқлаш процесси билан уни рўёбга чиқариш учун ижро этиш процесси алоҳида ва бу икки процессни алоҳида органлар амалга оширади. Хуқуқни аниқлаш берувчи фуқаролик суди ва уни ижро этувчи ижро суди. Бир-бирини ишига умуман аралашмайди.

Японияда таълим-тарбия жараёни коррупцияга қарши курашишда муҳим роль ўйнайди, япон тилида коррупция сўзи “**ифлос иш**” деган маънода таржима қилинади. Агар японлар коррупцияда айбланадиган бўлса, нафақат айбор шахс, балки унинг бутун оиласига тушадиган энг катта шармандалик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам япон мактабларида болаларга ўзганинг ҳақини ўзлаштирмаслик, давлатга хиёнат қилмаслик, коррупцияга нисбатан нафратланиш хиссини уйғотишга қаратилган ўқув-тарбиявий дастурлар ишлаб чиқилган.

Японияда суд ижрочиларининг касбий мажбуриятларини сидқидилдан бажариш маданиятини шаклланганлиги сабабли коррупция бўйича халқаро рейтинг кўрсаткичларида ҳам ижобий натижаларни 2023 йил ҳолатига 180 мамлакат ичидаги 16 ўринни қайд этиб турибди.

**Италияда** ҳам суд хужжатларини ижро этиш Ўзбекистондаги каби тартибда амалга оширилади. Суд хужжатлари бўйича ижро этилиши лозим бўлган ижро хужжати суд ижрочилари томонидан қарздор электрон шаклда хабардор қилинади. Қарздор ижро хужжатини **ихтиёрий** бажариш **учун** 10 кунлик вақт берилади. Бу муддат Ўзбекистонда 15 кунгача этиб белгиланган. Италияда эса бу аниқ 10 кун этиб қатий белгиланган. Қарздор томонидан суд қарорида ундирилиш белгиланган суммаларни тўлаш учун ихтиёрий муддатлар давомида нақд пул шаклида эмас электрон шаклда онлайн пул ўтказиш тартиби йўлга қўйилган. Бу эса ижрочилар томонидан ундирилган пул суммаларини талон-тарож қилишнинг олдини олишга қаратилган чора десак ҳам бўлади. Қолаверса, ундирувчи, кредитор ижро ҳаракатларини амалга оширишда ижрочига ҳамроҳ бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Италияда ижро ҳаракатларини амалга оширишда ички ишлар органлари ва бошқа ташкилот вакилларини хусусан жамоатчилик вакилларини ҳам жалб қиласи. Суд ҳужжатлари ижроси тўғрисида ижро ишидаги тарафларга ижро ҳаракатлари натижаси тўғрисида ёзма ҳисобот ёки маълумот берилади. Бундай тартиб қоида бизда ҳам қонун билан йўлга кўйилганини таъкидлаб ўтиш мумкин. Аммо ҳали бизда у оммалашиб аниқ ҳукукий процедураси юз бергани йўқ. Бироқ, Италияда қарздорнинг давлат ҳудудидан чиқиб кетишни таъкиқловчи ваколатни суд ижрочиларига берилмаган. Бизда бу ваколатни Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочиларига берилиши бир томондан ижро ҳаракатларини тез ва самарали бажаришга хизмат қилмоқда. Бу каби ваколатларни бугунги қунда давлат ижрочилари коррупцион муносабатларга киришиш учун имконият деб қараш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Негаки, “Давлат ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вактинча чеклаш тўғрисидаги қарори катта давлат ижрочиси томонидан тасдиқланади. Мазкур қарорнинг кўчирма нусхалари қарздор жисмоний шахсга (агар унинг турган жойи маълум бўлса), ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (бошқармасига) ҳамда Давлат чегарасини қўриқлаш органларига юборилади”, - деб белгилаб қўйилган бўлсада, давлат ижрочилари жисмоний шахсни Республикадан четга чиқишига қўйилган таъкиқ тўғрисидаги қарорини ИИО нинг МФРБга ва Чегара қўшинларига юборсада ҳуқуклари чекланаётган шахсларга маълум сабабларга кўра маълум қилинмаслиги. Қарздорликлар тўлиқ тўланиб ёки ундириб бўлингандан сўнг ҳам қўйилган таъкиқни 1 сутка ичида ижрои томонидан бекор қилиши керак. Аммо амалиётда мана шу қўйилган таъкиқни ечиб ташлаш учун ҳам жисмоний шахслардан маълум бир микдорда пора талаб қилаётган ҳолатлар ҳам халқ ичида кўплаб муҳкамаларга сабаб бўлмоқда. Ижро ҳаракатларида бир қатор камчиликлар бўлишига қарамасдан Ўзбекистонда ҳам ижро иши юритуви соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўтган йиллар давомида мажбурий ижро фаолиятини амалга оширувчи тузилма қайси бир орган қошида, хусусан Адлия, Олий суд, Прокуратура ҳузурида бўлишидан қатъий назар, ижро ишини юритиш фаолияти билан муваффақиятли шуғуллана олган, десак асло муболага бўлмайди. Деярли барча давлатлар (миллий ва хорижий давлатлар) қонун ҳужжатларида Мажбурий ижро органининг ташкилий-ҳуқукий тузилиши ва номи турлича бўлиши мумкинлигини, аммо ижро иши юритиш иштирокчилари таркиби бир хил бўлишини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари деярли бир-бирига ўхшашлиги, аммо иштирокчи субъектлар доирасида баъзи тафовутлар ҳам мавжудлигини кўрдик.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан маълумки, мамлакатда коррупция даражасининг камайиши давлат ва жамият бошқаруви қарорларининг қабул қилиниши жараёнида ахборотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга ҳамда жамоатчилик

назорати механизмларининг ривожланишига ёрдам беради ҳамда ахборотлар очиқлиги ва шаффоғлигининг таъминланиши, ўз навбатида, коррупция даражасининг пасайишига олиб келади.

Коррупцияга қарши курашишнинг превентив чоралари сифатида фуқароларнинг қонунларга риоя қилиш маданиятини ҳамда ҳар қандай коррупция ҳолатларига нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги илғор хорижий тажрибаларни ҳаммасини ҳам бизни миллий ижро ҳаракатларига тадбиқ этиб бўлмайди. Ҳусусан суд ҳужжатларини ижро этадиган лицензияга эга бўлган ҳусусий шахслар (ижрочилар) амалга ошириш тартибини Ўзбекистонда йўлга қўйилиши айrim жиноятларнинг содир этилишига олиб келиши мумкин. Давлатнинг функциясини бажаришни алоҳида ҳусусий шахсларга топшириш қарздорларнинг айrim ҳуқуқларини бузилишига ҳам олиб келади. Шундоқ ҳам мулкий ва номулкий ижро ҳаракатларини амалга оширишда шахсларнинг туарар-жойларига киришлари уларнинг туарар жой дахлсизлигини бузилишига ҳам олиб келмоқда. Негаки, суднинг ижро ва рақасида МИБ оргаларининг давлат ижрочиларига шахсларнинг туарар жойларига монеликларсиз кириш ҳуқуқини белгилаб бермайди. Агар ҳусусий ижрочилар суд қарорларини ижро этадиган бўлса, таниш билишчилик ва коррупция сони сезиларли ортиб кетиш эҳтимоли юқорироқ.

## **ХУЛОСА**

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш ҳар бир давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Коррупцияга қарши муваффақиятли кураш тизимини барпо этиш бу борада кенг қўламли ҳалқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ҳамда унга танқидий ёндошган ҳолда миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этишни тақозо қиласди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 01.05. 2023. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ти Қонуни, 29.08.2001 йилдаги 258-II-сон. <https://lex.uz/docs/26477>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” Қонуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон. <https://lex.uz/docs/3088008>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 24.11.2020 йилдаги ПФ-6118-сон **Фармони.** <https://lex.uz/docs/5124086>
5. Коррупцияга қарши курашиш. Дарслик. // Масъул муҳаррир: А.Ш. Бекмуродов: – Тошкент: “Akademiya”, 2022. 346 б.

6. Қобилов.Ш.Р. Коррупцияга қарши кураш:иктисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари: Монография. – Т.: Ўзбекситон Республикаси ИИВ Академияси 2015. – 123 б
7. Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2>;
8. World Health Organization “Reinforcing the focus on anti-corruption, transparency and accountability in national health policies, strategies and plans” 2019, 44 pages.
9. Adam Graycar and David Jancsics “Gift Giving and Corruption” Article, 2017;